



Ислом Нури

ҳам, ҳамд ҳам Уникидир! У барча нарсага қодир. Эй Аллоҳ, Сен берган нарсани тўсувчи, Сен тўсган нарсани берувчи йўқ. Сенинг олдингда салтанат ва улуғлик соҳибига улуғлиги фойда бермайди.

Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, У ёлғиз, шериксиз. Мулк Уники, ҳамду сано ҳам Унга хос. У барча нарсага қодир. Куч-қувват ёлғиз Аллоҳ (мадади) билан. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Биз фақат Унгагина ибодат этамиз. Неъмат ҳам, фазл ҳам, гўзал мақтовлар ҳам Уникидир. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Гарчи кофирлар қариқ-ёмон кўрсалар-да динни холис Унинг учун қилувчилармиз.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анхумо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар намозда салом берганларидан кейин: “Ла’ ила’ҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла’ шари’ка лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ала’ кулли шай’ин қоди’р, ла’ ҳавла ва ла’ қуввата илла’ билла’ҳ, ла’ ила’ҳа иллаллоҳ ва ла’ наббуду илла’ ийя’ҳу, лаҳун-неъмату валаҳул фазлу валаҳус-сана’-ул ҳасан, ла’ ила’ҳа иллаллоҳ, мухлисийна лаҳуд-дийна ва лав қариқал ка’фируун” дер эдилар.

Маъноси: Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, У ёлғиз, шериксиз. Мулк Уники, ҳамду сано ҳам Унга хос. У барча нарсага қодир. Куч-қувват ёлғиз Аллоҳ (мадади) билан. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Биз фақат Унгагина ибодат этамиз. Неъмат ҳам, фазл ҳам, гўзал мақтовлар ҳам Уникидир. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Гарчи кофирлар қариқ-ёмон кўрсалар-да динни холис Унинг учун қилувчилармиз.

Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, У ёлғиз, шериксиз. Мулк Уники, ҳамду сано ҳам Унга хос. У барча нарсага қодир. Куч-қувват ёлғиз Аллоҳ (мадади) билан. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Биз фақат Унгагина ибодат этамиз. Неъмат ҳам, фазл ҳам, гўзал мақтовлар ҳам Уникидир. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Гарчи кофирлар қариқ-ёмон кўрсалар-да динни холис Унинг учун қилувчилармиз.



саҳобалар розияллоҳу анҳум овозларини кўтариб, ҳар бирлари алоҳида тасбеҳу такбир айтишар эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳар бир намоздан кейин давомий равишда айтадиган зикрлари бўлиб, улар тавҳид, ҳамду сано, Аллоҳни улуғлаш маъноларини ўз ичига олган эди. Намоздан олдин иқоматда тавҳид калималари билан бошланиши ва намоздан салом берибла, тавҳид калималарини айтилиши намозни Ёлғиз Аллоҳга ўқилганига ишоралардир.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Фарз намозларидан кейин ҳадисларда ворид бўлган зикрларни айтиш фазилатли суннат.
2. Ушбу зикрларни овоз чиқариб айтиш суннат.
3. Ўттиз уч мартадан тасбеҳ, такбир, ҳамд айтиб, охирида бир бор таҳлил айтиш фазилатли суннат амалдир.